O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 13 июнь, № 116 (4526) Жума

# ЮРТИМИЗНИНГ «КУМУШ ТОЛА»СИ



**Мамлакатимиз пиллачилари 23,5 минг тонна юқори сифатли хом ашё етиштириб, бу борадаги шартномавий мажбуриятни уддаладилар. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 2 минг тонна кўпдир.**

**Республика бўйича ўртача ҳосилдорлик 55 килограммга тўғри келди. Фарғона вилояти туманларида бу кўрсаткич 60-65 килограммга етган бўлса, баъзи илғор фермер хўжаликларида ҳар қути қурт уруғидан 70 килограммдан ошириб пилла олинди.**

**Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда пиллачиликдан 30 миллиард сўмга яқин миқдорда пилла хом ашёси етиштирилди.**

**Ифтихор**

Ушбу далилларнинг ўзиёқ мамлакатимизда пиллачилик тармоғидаги муваффақиятларни бўйбасти билан кўрсатиб турибди. Лекин ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Бунинг замирида давлатимиз томонидан пиллачиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, пиллакорларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, энг муҳими, моддий манфаатдорликнинг оширилгани каби омиллар мужассам.

Очиғини айтиш керак, бундан бир неча йил илгари тармоққа қизиқиш бир оз сусайганди. Шундай бир пайтда Президентимизнинг "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда янги босқични бошлаб берди. Эътибор қилинг, бу йил пилла теримига олдинги йиллардагига нисбатан 10-15 кун илгари киришилиб, хом ашёнинг асосий қисми юқори навларга топширилди. Мутахассислар таъбири билан айтганда, 90 фоиз навлар аралашмасига эришилди. Соҳадан бохабар киши яхши биладики, бу анча юқори кўрсаткич.

Ҳосилдорлик борасида ҳам ўсиш кўзга ташланмоқда. Мисол учун, ўтган йилга нисбатан республика бўйича 5-10 килограммгача ҳосилдорлик кўп бўлди. Ушбу рақамлар, бир қараганда, унчалик кўзга ташланмас. Аммо мавсумда 445 минг 687 қути ипак қурти парваришланганини эътиборга олсангиз, самара юқори эканлиги — 23,5 минг тонналик "кумуш тола" хирмони яратилгани аён бўлади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси мутахассисларининг айтишича, муваффақиятларнинг яна бир омили — бу мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани, пиллакорларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилганлигидир. Дарҳақиқат, мавжуд 20 та уруғчилик корхонаси мавсум аввалида зарур жиҳозлар билан таъминланиб, белгиланган инкубаториялар ўз муддатида тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари, агрономлар малакалари оширилиб, янгиликлардан хабардор этилди. Натижада ипак қурти уруғлари ўз вақтида жонлантирилиб, 104 мингдан зиёд фермер хўжаликларига тарқатилди. Энг муҳими, пиллачиларга етиштирилажак ҳосилнинг салкам 50 фоизи миқдорида бўнак маблағлари ажратилиб, унинг 10 миллиард сўми нақд пул тарзида берилди.

— Бундан ташқари, пиллачилар керакли миқдорда тўшама қоғоз ва бўз, термометр ва психрометр, формалин ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди, — дейди пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Собир Наврўзов. — Пировардида нафақат ҳосил салмоғи ошди, балки унинг сифати яхшиланди. Ромитан туманидаги "Аҳрор бобо" фермер хўжалиги жамоаси 13 қути ипак қурти парваришлаб, ҳар қутидан 67 килограммдан, Норин туманидаги "А. Акрамов" фермер хўжалигида эса 72 килограммдан пилла тайёрлангани бунинг далилидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда кўриб чиқишга киритиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама қилиш вақтида тушган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Комилов "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилиниб, депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирганларидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О. Охунованинг маърузаси юзасидан депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

"Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О. Исаев маъруза қилди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддасини батафсил муҳокама қилиш пайтида депутатлар унинг қабул қилиниши миллий маданиятимизни янада ривожлантириш учун муҳим эканлигини таъкидладилар ва киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев тақдим этди. Муҳокама ўтказилганидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев маъруза қилди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси С. Турсуновнинг маърузаси юзасидан депутатлар "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузулмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Депутатлар муҳокама пайтида киритилган таклифларни эшитиб ва муҳокама этиб, ҳужжатни маъқулладилар ва Қонунни қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С. Аҳмедова "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Савол-жавоблар ўтказилиб, тушган таклифлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон Республикасининг Филиппин Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Салоҳиддинов ушбу мамлакат Президенти Глория Макапагал Арройога ишонч ёрлиқларини топширди.***

# Ишонч ёрлиқлари топширилди

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Филиппин Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилди.

Филиппин Республикаси Президенти Г. Арройо икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Филиппин ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан ўз мамлакатининг манфаатдор эканини изҳор этди.

**«Жаҳон» АА.**

**Маънавиятимиз жилолари**



# Нурли манзиллар шукуҳи

***Олтиариқда бу йил ғалла мўл бўлди. Буғдойга ўроқ солишдан олдин, барча туманларда бўлгани каби, бу ерда ҳам мўътабар оқсоқоллар, маҳалла фаоллари иштирокида йиғин ўтказилиб, ош тортилди. Қуръон тиловат қилиняпти-ю, вужудимда ғалати бир ҳис ўрмалаётгандек. Мустақиллигимизнинг ўн еттинчи йили ўтиб бораётган эса-да, ўзинг кўриб турган баъзи ишларга ҳануз ишонгинг келмайди...***

1972 йил эди, чоғи. Туман газетасида мухбир эдим. Бир куни муҳарриримиз мен билан фотомухбиримизни хонасига чақириб, Полосоннинг Мозортаги маҳалласига тезда етиб боринглар, туман раҳбари шахсан кутиб ўтирибди, деди. Бориб билсак, букчайган бир чолнинг ташқисидаги, ёйилиброқ ўтирса, ўн киши сиғиб-сиғмайдиган ҳужрачасида 5-6 нафар мункиллоқ қария гоҳ тўкма ош қилиб, гоҳ шунчаки нон-чой ичиб, вақт ўтказишар, орада намозни ҳам бирга ўқишар экан. Шуни масжид очганга йўйишибди. Чолларни тўплаб, ҳамманг намоз ўқиб турасанлар, сенларни суратга олиб, газетада шармандаларингни чиқарамиз, дейишди. Мўйсафидларнинг мўлтираб туришини кўриб, кўнглим бузилди. Ўзимни панароққа олиб, ҳужра томонга бормадим, суратчимиз эса қочиб қутулолмади.

Буларни ёзишга қўлимиз бормай юравердик. Юқоридагилар ҳам номига бир суриштириб қўйган бўлишди-ю, хайрият, ортиқча қистовга олишмади.

Бу нима эди ўзи? Бу — биз асрлар давомида кўникиб кетган, оддий халқ тилида «тутум» деб аталувчи кўҳна қадриятни ер билан битта қилиб топташга қаратилган «қора сиёсат»дан бир лавҳа, миллий маънавиятимизга қарши уюштирилган кўламли террорнинг митти бир бўлакчаси эди...

Тиловат тугади. Йиғилганлар Яратгандан хирмонга барака, оилаларга хотиржамлик, дастурхонларга тўкинлик, юрт тинчлигини, эл аҳиллигини таъминлашга астойдил жон куйдириб келаётган зотларга соғлик-омонлик тилаб, юзларига фотиҳа тортишди.

Айтинг-чи, бунинг нимаси ёмон? Барча ўз фикрини бир мақсадга жамлади, ниятини поклаб, кўтаринки руҳ билан ишга отланди. Бу жуда яхши. Бу ҳам қадим маънавиятимизнинг қувватбахш бир қирраси.

Йиғиндан сўнг Олтиариқ боғига кириб, Халқаро болалар кунини байрам қилаётган кичкинтойлар даврасида бўлдик. Тумандаги таниқли тадбиркор, Россия, Хитой каби давлатлар ишбилармонлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилиб, хусусий фирмаси кучли қурилиш ташкилотига айлантирилган, ҳозирда бутун водийга донг таратган, Марғилон шаҳри юбилейи-

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Яқинда "Марғилон текстил" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси Германия, Чехия ва Туркия давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди.**

## Ишлаб чиқариш ҳажми ошди

Бу жаҳон бозорида харидоргир бўлган пневмомеханик калава ип ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Ўтган йили бу ерда тайёрланган 4000 тоннага яқин шундай маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш мақсадида мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## Мотоциклда Римдан Самарқандгача

**17 та мотоцикл карвонидан иборат италиялик сайёҳлар Самарқандга етиб келишди. Уларни шаҳар аҳли самимий кутиб олди.**

— Турин шаҳридан Самарқандгача бўлган масофани етти кунда босиб ўтдик, — деди сайёҳлардан бири. — Мақсадимиз дунё нигоҳидаги кўҳна шаҳарни зиёрат қилиш, ноёб обидалари, бугунги кўркам жамолини ўз кўзимиз билан кўриш эди. Шукурки, қутлуғ мақсадимизга эришдик. Самарқанд чиндан ҳам бетакрор экан.

Сайёҳлар Самарқандга келгунча Греция, Туркия, Ироқ, Эрон, Туркманистон каби мамлакатларни ортда қолдиришди. Айтиш керакки, уларнинг «темир тулпор»лари 110 от кучига эга бўлиб, соатига 200 километрдан юқори тезликда ҳаракатланади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Хоразмда «Замонавий технологиялар ва электрон ресурслар» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

## Хизмат такомиллашади

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вилоят ахборот-кутубхона маркази, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда қатнашчиларга соҳага доир илмий-услубий қўлланмалар тарқатилди. Шунингдек, меҳмонлар Тошкент ахборот-технологиялар университетининг Урганч филиали фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жиззахда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.***

## Ҳуқуқий адабиётлар кўргазмаси

Унга олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ташриф буюрди.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ва миллий тамойиллар, нормалар акс эттирилган турли кўргазмали воситалар, суратлар, плакатларга ёшлар катта қизиқиш билдиришди. Шунингдек, 200 дан ортиқ ҳуқуқий мавзудаги китоб ва брошюралар йиғин қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ташкилотчилар бундай кўргазмалар фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, умумжаҳон Декларациясини мукаммал ўрганишда асқотишини эътироф этишди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қарши санъат коллежида «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## «Ниҳол» истеъдодларни кашф этмоқда

Унда мусиқа, қўшиқ ва рақс ижрочилиги йўналишида танилиб келаётган ёш истеъдод эгалари иштирок этдилар.

Тадбирда Қарши санъат коллежи ўқувчилари — Хуршида Валиева билан Дамир Раҳмонов ғолибликни қўлга киритдилар. Шунингдек, анъанавий ижрочилик бўйича мубораклик Феруза Маҳмудова, Наргиза Раҳимова, китоблик Саъдулла Бадаловларнинг санъати ҳайъат аъзолари томонидан эътироф этилди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ЮҚОРИ СУРЪАТ ГАРОВИ



**2008** йилнинг январь-март ойларида республикамизда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **122,8** фоизга ўсди.

Биринчи чорак мобайнида муҳим тармоқлар ва йирик саноат корхоналарида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурлар изчил амалга оширилгани шундай юқори ўсиш суръатини таъминлади.

***Франциянинг «Partenaires Strategiques» («Стратегик шериклар») ахборот-таҳлилий журналида мамлакатимизга бағишланган мақола эълон қилинди.***

# ФРАНЦИЯ ЖУРНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Мазкур нашр Парижда француз ва араб тилларида чоп этилади. Унда, асосан, Франция ва хорижий давлатларнинг иқтисодиёти ҳамда бизнес соҳасига алоқадор туркум мақола ва янгиликлар бериб бориллади. Журнал 150 минг нусхада чоп этилиб, нафақат Франция, балки араб дунёсининг кўплаб мамлакатларига ҳам кенг тарқатилади.

«1991 йил 31 августида мамлакат мустақиллиги эълон қилиниши Ўзбекистоннинг янги тарихидаги энг муҳим воқеа бўлди. Республика босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли тарих нуқтаи назаридан жуда қисқа давр бўлса-да, туб ўзгаришлар, янги давлатчилик асосларини қарор топтириш, миллий ўзликни англаш борасидаги улкан ишлар амалга оширилгани билан аҳамиятлидир, — деб ёзади нашр. — Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти, давлат ва жамият қурилиши стратегияси халқнинг миллий ва маданий ўзига хослиги, мамлакатнинг табиий-иқтисодий, минерал хом ашё, инсон салоҳиятига холис баҳо бериш асосида белгилаб олинди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос геосиёсий жойлашуви, мамлакат томонидан юритилаётган оқилона ва изчил ташқи сиёсат унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳамда нуфузининг юксалишини таъминлади. Айни дамда республика БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ЕврАзЭС, ШҲТ, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, МДҲ ва бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа таҳдидларга қарши кураш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда».

2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари ҳақида сўз юритиб, нашр мамлакат келажаги учун тарихий аҳамиятга эга мазкур сиёсий воқеага алоҳида эътибор қаратади.

«Сайловлар очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида миллий қонунчиликка тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилди, — дейилади журналда. — Мамлакат сиёсий саҳнасида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган сиёсий партиялар билан бир қаторда, мазкур сайловларда илк бора сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари илгари сурган номзод ҳам иштирок этди.

Президент Ислом Каримов сайловчиларнинг 88,1 фоиз овозини олиб ғалабага эришгани эса Ўзбекистон халқининг давлат раҳбарига нисбатан бўлган улкан ишончидан далолат беради».

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар истиқболлари ҳам диққат-эътибордан четда қолмаган. «Ўзбекистон ЕИ ва унга аъзо мамлакатлар билан ўзаро тенглик ва ҳурмат, томонлар манфаатларини ҳисобга олиш ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланган ҳолда кенг қамровли ҳамкорликни амалга оширишга доим тайёр бўлган. Ҳар қандай ҳамкорлик эса, ўз навбатида, икки томонлама уйғун ҳаракат тамойили асосида ривожланиши лозим.

2007 йил июнида қабул қилинган Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шериклик стратегияси», деб ном олган ҳужжат бу жараёнларга хизмат қилишига умид қилиш мумкин. Эътиборлиси эса унда Ўзбекистон таклифлари ҳам ўз ифодасини топган.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили П. Морел ўзининг яқинда Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда мамлакатнинг муҳим ўрнини таъкидлаган ҳолда, Брюссель Тошкент билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини билдирди», — деб ёзади нашр.

**▼ Дунё нигоҳи**

«Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқиб, таклиф этилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясига мувофиқ, республика ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлади, — дея давом этади журнал. — Бу сиёсат амалда ўзини тўла оқлади ва мамлакат аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳозир Ўзбекистонда автомобилсозлик, нефть-кимё ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлари ишлаб чиқаришнинг илғор соҳаларига айланди.

Иқтисодий ўсиш, авваламбор, тизимли бозор ислоҳотлари ва хорижий сармояларни жалб этиш, иқтисодиётдаги чуқур тузилмавий ўзгаришлар, саноатни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга йўналтирилган янги тармоқлар ва корхоналарни бунёд этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш эвазига таъминламоқда.

Ўтган йили мамлакат иқтисодиётига жалб этилган сармояларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ўсиб, 4,3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу — ўтган йиллар давомида эришилган энг юқори кўрсаткич бўлди.

2007 йилда мамлакатда хорижий сармоялар иштирокида 700дан зиёд янги корхона бунёд этилди. Улар, аввало, замонавий юқори технологик тармоқлар — электротехника, кимё, нефт-кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, озиқ-овқат, енгил саноат, телекоммуникация ва ахборот технологиялари каби соҳаларда яратилаётган алоҳида эътиборга молик.

Бугунги кунда республика ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий сармоялар иштирокида тузилган корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу маънода улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти ўтган йили 62 фоизга ўсгани қувонарлидир.

Мамлакатда қулай сармоявий муҳит яратилган бўлиб, у хорижий сармоядорларнинг хусусийлаштириш, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларидаги иштирокини қўллаб-қувватлашга, уларнинг барча ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва имтиёзлар яратиб беришга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива бутун дунёга ислом цивилизацияси дурдоналари сифатида ном таратган. Мусулмон дунёси олимлари азал-азалдан бу шаҳарларни билимлар хазинаси сифатида улуғлаб келишган.

Ўзбекистон замини Имом Бухорий, Форобий, Беруний, Хоразмий, ат-Термизий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Хожа Аҳрор Валий каби машҳур олим, мутафаккир, файласуф ва шоирларни дунёга етказиб берган диёр. Улар нафақат ислом дини, балки инсоният цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк арбоблардир. Уларнинг илмий изланишлари ва ижод намуналари жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати хазинасида ўзига хос ва мос ўрин эгаллаган.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши Ўзбекистонда ислом қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, буюк аждодлар бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, мамлакат ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Ўтган йил август ойида Тошкентда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Тадбирда юздан зиёд мамлакатдан келган таниқли диншунос олим ва мутахассислар, давлат, дин ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Уларнинг орасида ЮНЕСКО, Ислом конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, ISESCO, Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари бор эди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб, мамлакат жаҳон саҳнасидаги ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётгани, хорижий мамлакатлар билан тенглик, ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни кўламини тобора кенгайтираётганидан далолатдир».

**«Жаҳон» АА.**
**Париж.**

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАР ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

да маҳалла гузари мажмуаси, коллеж, дабдабали меҳмонхона янглиғ бири биридан йирик ва кўркам иншоотларни барпо этиб, ҳукумат комиссияси аъзоларининг таҳсинига сазовор бўлган Раҳматжон Эркабоев шу куни болакайларнинг диққат марказида турди. У ўз жамоаси номидан илғор мактаблар, ўқув юртлари, боғчалар, намунали ўқувчиларга йигирмага яқин гилам, кўплаб қимматбаҳо совғалар топширди. Бундан олдин, мактаб ёшига етган уч нафар ногирон болага мустақил билим олишларини осонлаштириш учун компьютерлар тортиқ қилинганини байрам иштирокчилари қизғин олқишлашди. Бу — маънавиятимизнинг саховатпешалик, болажонлик кўриниши.



Энди бошқасини айтсак, ғаллачиликда энг юқори кўрсаткичга эришган фермерлардан бўлмиш Нодиржон Муҳиддинов хусусий ёнилғи қуйиш шохобчасидан келган даромаднинг 20 миллион сўмини фермер хўжалигига йўналтириб, 70 бош сигирга мўлжалланган башанг молхона қурди. Бу маблағ неча йилда фойдага айланиб қайтишини сўрасангиз, у шундай жавоб қилади:

— Бунисини аниқ айтолмайман. Бу маблағни оиланинг ҳой-ҳавасларига сарфласам ҳам бўларди. Кейин ўйлаб қолдим, буни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфласам, лоақал яна беш-ўн киши ишли бўлади, савоб оламан. Юртбошимиз эл фаровонлигини оширишда бизга катта ишонч билдирганлар. У кишининг ишончини оқлашимиз керак.

Буниси маънавиятимизнинг инсонийлик, бир-бировга жонкуярлик кўриниши.

Бундайлар кўп. Довруқли ишбилармонлардан Ҳокимназар Маматов, Набижон Обидов, Фарҳод Абдураҳмонов каби ёшлар тобора бой бўлиб бораётганлари билан эмас, ўзгаларни ҳам ишли қилиб, уларнинг рўзғорига кўпроқ қут киритаётгани билан ғурурланишга одатланганлар.

Икки кун ўтиб, Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан пойтахтдан келган бир гуруҳ ижодкорларга қўшилиб, водий бўйлаб сафарга чиқдик. Қайга бормайлик, чинакам маънавият шодиёнасининг гувоҳи бўлдик. Илгарилари ҳазрат Ҳувайдонинг қабри нураб ётар, собиқ тузум вакилларининг тазйиғига қарамай, зиёратчиларнинг қадами узилмас, келувчилар қабр тевагаридаги ўт-ўланларни юлиб, ён-верини супириб-тозалаб кетишарди. Истиқлол туфайли кўпчилик алломаларимиз қаторида Ҳувайдонинг йўли ҳам очилиб, 300 йиллик тўйи олдидан Чимёнда халқ ҳашари ташкил қилинди, кўрганнинг кўнглини яшнатадиган ҳашаматли зиёратгоҳ барпо этилди, алоҳида музей қурилди, ён-атроф сўлим сайилгоҳга айлантирилди.

Андижонда бўлганимизда ҳам шу яхши анъананинг давомини кўрдик. Атоқли шоирларимиз Чўлпон ва Ҳабибийларнинг уй-музейлари ҳам овлоқ ерларга эмас, аҳоли доимо гавжум бўладиган боғларнинг ичига қурилгани, шинам қилиб безатилгани мақтовга лойиқ. Зеро, ўзлигимизни англашга, ўзбеклигимиздан янада фахрланишимизга туртки бўлувчи барча омилларни оммага имкон қадар яқинлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Чўлпон таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантана бўладими, Пахтаободдаги замонавийлаштирилган бозорнинг очилиш маросими бўладими, Ҳабибий ижоди мухлисларининг анжуманими, Тўлан Низомнинг Балиқчида ўтказилган ижодий кечасими, ҳамма жойда адиблар ва маҳаллий аҳоли вакиллари Президентимизнинг миллий маънавиятимизни бундан-да улуғлашимиз, ҳар бир қиррасини кўз қорачиғидек асрашимизга хизмат қилувчи янги асари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Сафар чоғида ўзбекона гўзал тутумларнинг минг хил жилосидан кўзимиз қамашди, Юртбошимиз бу жилоларнинг ҳар бир рангини ўз китобида ёрқин ва мукаммал тасвирлаб бера олганига яна бир карра амин бўлдик. Чиройли удумлар ҳамон эъзозда эканидан жуда-жуда қувондик.

Сафаримиз Наманганда, бутун водийда машҳур бўлган Чуст боғидаги шеърият байрами билан ниҳоясига етди. Бошқа жойларда кўрганимиз каби бу ерда ҳам кишилар кайфиятининг кўтаринкилиги, эртанги кунга қатъий ишонч билан боқишаётгани дилимизга ширин-ширин таскинлар сепди. Бизни шундай инсонлар — уст-боши камтарона-ю, ғурури юксак, қўли қадоқ-у, кўнгли ойнадек тоза, кишиларимиз билан учраштириб, баҳримизни очгани учун вилоятлардаги мутасаддилардан беҳад миннатдор бўлдик.

Қайтишда, Поп тумани ўрамидан ўтаётганимизда, йўл ёқасида мева-чева сотиб турган болаларни кўриб, машинадан тушдик. Шерикларимдан бири менга ҳазиломуз боқиб: «Келинг, болалар шоири сифатида булар билан ўзингиз гаплашинг, қиммат айтишяпти», деб қолди. Жоноқи олманинг ҳам, субҳони ўрикнинг ҳам бир пақири бир ярим минг сўм экан. Ота-оналари уларнинг қўлига қараб қолмагани, бу зумрашалар ўз пулига эга бўлиш орзусида тўкилган-нетган меваларни сотишаётганини билсам-да: «Инсоф билан айтишибди, индамай олаверинглар», дедим. Болалар шодланиб кулишди ва «Майли, сизларга арзонлатамиз», дейишди. Мен ҳам бир пақир олма олдим.

— Ҳаммаларингни танийман, китобларингни ўқиганмиз, — деди сотувчи бола, шерикларимга тошиқиб қараб олиб. — Боғимиз яқин жойда. Агар меҳмонга борсаларинг, дадам бариларингга ўн пақирдан текин мева берарди. Кетдикми?

*Этимда ажиб бир жимирлоқ сездим. Мезбонга хос илтифотни, меҳмонга эҳтиромни, каттага иззатни бу болага биров атайлаб уқтирмаган. Ўзекона тутум, латиф маънавият буларга қондан ўтган. Демак, муқаддас қадриятларни биз катталар, аввало, ўзимизда асрай олсак бас, фарзандларимиз уйида кўрганини қилишади.*

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# ЎЗГАРИШЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

***Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб, иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтириш мумкин эмас.***

Шундан келиб чиқиб, «Қорақалпоқпахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига қарашли «Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамиятида кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Янги жойда барпо этилган бу заводнинг қурилиш-лойиҳа сметаси нархи 5118,2 миллион сўм этиб белгиланган эди. Ҳозирга қадар ана шу маблағнинг асосий қисми ўзлаштирилиб, қарийб 45000 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга цехларга замонавий ускуналар ўрнатилди.

**▼ Интилиш**

Эътиборли жиҳати шундаки, реконструкция жараёнида толани чигитдан ажратувчи 2 та эски «5ДП-130» ускунаси ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган «ДПЗ-180» русумли ускуналар билан алмаштирилди. «ТГ-1,5» генератори ўрнига янги «ИИЧ-1,9» русумли генератори ўрнатилди. Ишлаб чиқаришга яна пахтани тозаловчи «УХК» деб аталувчи иккита тармоқ қўшилди. Янгидан ўрнатилган «5ЛП» маркали 10 та линтер машинаси ҳам чигитни калта момиқдан ажратишда жуда қулайлик туғдирмоқда.

Бундан ташқари, тайёр маҳсулот сақланадиган, сиғими 800 тонналик омбор қурилди. Уруғлик ва техник чигит учун ёпиқ бостирма ва янги тарози фойдаланишга топширилди.

Хўш, ана шу янгиликлару ўзгаришлар қандай самара бераяпти? Бу ҳақда жамият бошқаруви раиси Мақсет Жумамуратов шундай дейди:

— Илгари бир тонна пахтадан 335 килограмм тола ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 337 килограммни ташкил этмоқда. Бу — бир тонна хом ашёдан олинаётган тола 2 килограммга ортди, дегани. Шунингдек, илгари қайта ишланган бир тонна пахтанинг таннархи 1169,5 минг сўмга тўғри келарди. Реконструкциядан сўнг бу кўрсаткич 1102,9 минг сўмга тушди. Бошқача айтганда, бир тонна пахтадан 66,621 сўм иқтисод қилишга эришаяпмиз. Яна бир мисол. Бир тонна тола ишлаб чиқариш учун олдин 13,0 килограмм ёқилғи сарфланган бўлса, ҳозир шу мақсадга 11,8 килограмм сарфланаяпти. 1350 киловатт қувватга эга электродвигатель ўрнига 1200 киловаттлиси қурилгани ҳам бир тонна тола ишлаб чиқаришда 29 киловатт-соат электр энергиясини тежаш имконини бермоқда. Кўриниб турибдики, барча ўзгаришлар тараққиётга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда «Қорақалпоқпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тасаррруфидаги яна бир корхона — Тўрткўл пахта тозалаш заводида ҳам реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда бу ерда қурилиш-таъмирлаш юмушларини тез ва сифатли ўтказиш мақсадида зарур меъёрий ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Амалга оширилаётган ана шу ишлар, ўз навбатида, иқтисодий ютуқларни кўпайтириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги янги, умидбахш қадамлардир, албатта.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЁШЛАР КАСБ ЎРГАНМОҚДА

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида Андижон вилоятида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни иш билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётир.

Хусусан, Булоқбоши туманида бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг саъй-ҳаракати билан бу ерда «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» иш бошлади. Мазкур марказ энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада бу ердаги маҳаллий ёшлар компьютер саводхонлиги, тикувчилик сир-асрорларини ўрганиш имконига эга бўлди.

— Айни кунларда марказимизда 200 нафардан зиёд ёшлар касб-ҳунар ўрганмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Рустамжон Бой-мирзаев. — Уларга малакали ходимлар бириктирилган. Келгусида бу ерда бошқа касб-ҳунар сирларини ўргатиш ҳам режалаштирилмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) тикувчилик курси раҳбари Муҳаббат Маҳкамова тингловчилар Зарифа Ўринбоева ва Одина Эшназарова билан машғулот пайтида.

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Она ва бола саломатлиги учун

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида эзгу ишларни амалга ошириб келаётир.***

Жамғарманинг кўплаб халқаро хайрия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритиши, айниқса, самарали кечмоқда. Жамғарма ташаббуси билан бу йил кам таъминланган оилаларнинг 135 нафар бемор фарзандлари мамлакатимиз клиникаларида даволандилар. Даволаниш харажатлари эса Германиянинг "Фриденсдорф Интернешнл" халқаро ташкилотининг грант маблағи ҳисобидан қопланди.

**▼ Тадбир**

Айни кунларда "Фриденсдорф Интернешнл" халқаро ташкилоти "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларнинг 400 нафар даволанишга муҳтож фарзандлари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Улардан бир неча нафари Германия клиникаларига даволаниш учун юборилади.

**М. ХОЛМАТОВА.**

***Кейинги йилларда аҳоли соғлиғини сақлаш юзасидан Сурхондарё вилоятида ҳам ибратли ишлар қилинди. 239 қишлоқ ва 1 та шаҳар врачлик пунктлари ишга туширилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси талаблари асосида бу масканларнинг аксарияти замонавий тиббий анжом-ускуналар билан жиҳозланди.***

# ҚИШЛОҚ СИҲАТГОҲИ

— Фаолиятнинг шаклидан ҳам кўра биз унинг моҳиятига эътибор қиляпмиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг даволаш профилактикаси бўлими бошлиғи Зокир Мамараимов. — ҚВП учун янги иморат қуриш ё эскисини таъмирлаш баробарида мутахассисларимизнинг малакасини, касб маҳоратини ҳам янада ошириш тадбирларини кўрдик. Ҳозир бирламчи бўғинда ишлаётган 605 нафар врачнинг 206 нафари умумий амалиёт врачи мақомига эга. Шу масканлардаги 4390 нафар ўрта тиббиёт ходимлари қайта ўқиш амалиётига жалб этилди. Бу курсларда хизмат кўрсатиш маданиятининг аҳамияти, қишлоқда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, такомиллаштириш таомиллари юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди. Яқин-яқинларгача бетоб бўлган одам қишлоғидаги «Медпункт»га бурилиб ҳам қарамай, шифо излаб, марказга шошиларди. «Катта дўхтир»ни изларди. Энди ҚВПлар одамларнинг ишончини қозонаётгани, шу пунктдан шифо топаётгани соҳадаги ислоҳотларимиз самарасидир.

Шеробод туманидаги Қишлоқбозор қишлоқ врачлик пункти ишларини чиндан ҳам янгилаган жамоалардан. Жамоада лаборатория хизмати намунали ташкил этилган. Врачлар, дорихонага борасиз, деб беморнинг қўлига дориномa ёзиб бериш билан чекланмайдилар. Касалликни изчил назоратга оладилар.

— Биз ташхис қўйишда шошилмаймиз, — дейди маскан мудири П. Янгибоев. — Хасталикнинг нимадан келиб чиқаётгани сабабларини ўрганишдан эринмаймиз. Ва, шифонинг самарали бўлмоғи 90 фоиз беморнинг ўзига боғлиқлигига мижозларимизни ишонтирамиз.

Ангор туманидаги Қорақир ҚВП врачи Абдураҳим Қаландаров ҳам Янгибоевнинг шу гапини такрорлайди. Бу даргоҳнинг иш бошланганига 8 йил тўлипти. Ва, мутаносибликни қарангки, шу йиллар ичида Қорақирдаги аҳолининг ўртача умр кўриши қарийб саккиз йилча узайибди. Қаландаровнинг айтишича, умрни ёлғиз тиббий муолажа билан узайтириб бўлмас. Тўғри овқатланиш, тозалик-озодалик, ҳалол меҳнат, болаларнинг тўғри тарбияси, қўни-қўшни билан иноқлик-биродарлик — мана сизга энг самарали муолажа. Шу жиҳатдан ҚВПнинг тўрт врачию 12 нафар ҳамширасини қишлоқдаги соғлом турмуш тарзи амалининг тарғиботчилари, дейиш мумкин. Биз тозалик ҳамшираси Ҳабиба Исоқова билан суҳбатлашмоқчи бўламиз. Лекин тополмаймиз. Эрталабдан Янги ҳаёт деган қишлоққа кетган экан.

**▼ Фармон ва ижро**

Қишлоқда қурилиши бошланган спорт майдончасида иш тўхтаб қолмадими? Данғиллама уйларда яшагани билан ҳаммом қуришга эринаётганлар борми? Рўзғорнинг ташвишлари қишлоқ аёлининг соғлиғига халақит қилмаяптими? Ҳамширанинг узоқ қишлоққа сафари шу каби саволлардан иборат дастурларга асосланган экан.

Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номи билан юритиладиган ҚВП 8 та маҳалладаги қарийб 20 минг одамга хизмат кўрсатади. ҚВП мудири Абдулла Самадовнинг фикрича, гоҳида бир беморга ўн нафар врачнинг ҳам хизмати камлик қилиб қолиши мумкин. Бироқ профилактика яхши йўлга қўйилган жойда бир врач хизмати бир вақтнинг ўзида 100 минг кишининг соғлиғига кафолат бўлади.

— Одамларимиз ҚВПни қишлоқдаги саломатлик институти деб атай бошлашяпти, — дейди А. Самадов. — Бу яхши таъриф. Лекин истардимки, ҳар бир хонадоннинг ўзи ўша уйда яшовчилар учун саломатлик институти бўлиб хизмат қилса. Ахир инсоннинг ўз соғлиғи устида ғамхўрлиги унинг жамият олдидаги фуқаролик масъулияти билан чамбарчас боғлиқ нарса. Чунки Президентимиз бизга қайта ва қайта таъкидлаганларидек, фақат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларнинг уддасидан чиқа олади.

— Давр биздан тиббиётда ўтказилаётган ислоҳотларни, хусусан, ҚВПлар фаолиятини тобора такомиллаштириб боришимизни талаб этмоқда, — дейди галдаги суҳбатларимизнинг бирида Зокир Мамараимов. — Айрим пунктларимиздаги ичимлик суви, алоқа тармоғи муаммоларини ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз йўлига. Хизмат маданиятини, хизмат самарасини ошириш вазифаси биз учун ҳамиша долзарб аҳамият касб этаверади.

Шу маънода, Президентимизнинг ўтган йил сентябрь ойида эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони зиммамизга катта масъулият юклайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

## Краснодардан медаллар билан

***Краснодар ўлкаси маркази Кубань (Россия) шаҳрида кикбоксинг бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди.***

Унда Россия, Ўзбекистон, Украина ва Арманистондан келган олти юз нафардан ортиқ кикбоксинг спорти усталари медаллар учун кураш олиб бордилар.

Аҳамиятлиси, нуфузли мусобақада мураббийлар Рашид Акалбоев ва Даврон Қодиров бошчилигида қатнашган кикбоксингчиларимизнинг аксарияти юртимизга медаллар билан қайтиб келишди.

Жумладан, Шоҳжаҳон Ўлмасов, Ойбек Олимжонов, Темур Акромов, Абдуҳабиб Мелиев, Шоҳруҳ Солиҳжонов, Бекзод Қурбонов, Мирғулом Холиқов, Жамшид Нуриддинов, Ғофур Абдуллаевлар кикбоксингнинг турли йўналишлари бўйича совриндор бўлишди.

## Фелипе Сколари «Челси»ни бошқаради



***Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб таниқли мутахассис Фелипе Сколари Англиянинг "Челси" жамоасида бош мураббий сифатида фаолият кўрсатади.***

Бу ҳақда "Челси" жамоасининг интернетдаги махсус сайтида хабар тарқатилди. Асли бразилиялик бўлган Фелипе Сколари ҳозир Португалия терма жамоасида бош мураббий вазифасида ишламоқда. Хабарингиз бор, айни пайтда Австрия ва Швейцарияда давом этаётган Европа чемпионатида Португалия биринчи бўлиб чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

## «Олимпиада-2016»: НОМЗОДЛАР ЎЗГАРМОҚДА

***Халқаро Олимпия қўмитаси 2016 йилда бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига янги номзод шаҳарлар номини эълон қилди.***



Афинада ўтказилган ижроқўм йиғилишида дастлабки рўйхатдан ўтган Боку (Озарбойжон), Доҳа (Қатар) ва Прага (Чехия) шаҳарлари кўп овоз тўплай олмаганлиги сабабли рўйхатдан чиқарилди. Чикаго (АҚШ), Токио (Япония), Мадрид (Испания) ва Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳарлари янги номзод сифатида рўйхатга олинди.

— Дунё спортчиларининг энг нуфузли мусобақасига мезбонлик қилиш истагини билдирган шаҳарлар жуда кўп, — дейди Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге. — Бунинг учун катта спорт базаси, етарли шароит бўлиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда, янги курашга киришаётган номзод шаҳарларга омад тилайман.

"Олимпиада — 2016" ўйинлари пойтахти 2009 йили Копенгаген (Дания)да бўлиб ўтадиган ХОҚнинг кенгайтирилган сессиясида расман маълум қилинади.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт • Sport • Спорт

***Ҳаёт майдонида тажрибанг ортган сайин ривоятларда айтилган, китобларда ўқилган, киноларда кўрилган "ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган" воқеалар аслида у ёки бу кўринишда турмушда юз беришига ажабланмас экансан, киши. Хаёлингдан ўтган одамни учратиш, етти ухлаб тушингга кирмаган кимса билан бир умрга биродар бўлиб қолиш, қачонлардир панд бериб кетган дўстингнинг ҳузурингга бош эгиб кириб келиши... Шунга ўхшаш воқеалар ҳаётда кўп учрар экан. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа шулар сирасидан.***



# ОҚИБАТЛИ ҚЎШНИЛАРДАН ҚЎЙМАСИН

Онам яшаётган, фарзандларим таваллуд топган уй жойлашган кўчани Ширинқудуқ номи билан атай бошлашибди. Оддий инсон сифатида ич-ичимдан қувондим. Негаки, Тошкентнинг қоқ маркази, Шайхонтоҳур даҳасидаги ота-боболарим яшаган макон асли Ширинқудуқ деб аталган.

Шундай таассуротларга берилиб ўтирган пайтимда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим. Қўнғироқ қилаётган киши яқин биродарларимдан бири Саиданвар экан. Салом-аликдан кейин:

— Ака, табиатнинг "шўхликларига" йўқроқ бўлганингиз учун тинчингизни билай дедим.

— Табиатга нима қилибди? — деб сўрадим.

— Ҳали хабарингиз йўқми, деразадан кўчага бир қараб қўйинг. Яқин атрофда бунақасини кўрмагансиз.

Мен ишлайдиган идора Мустақиллик даврида қад ростлаган замонавий, кўркам ва муҳташам бинолардан бири. Ташқарида бўлаётган шовқин-сурон ичкарига умуман эшитилмайди. Ўрнимдан туриб дераза ёнига келдим. Қарасам, жала қуймоқда, дўл уриб ётибди.

Дарров онамга қўнғироқ қилишга тушдим.

— Ўзим ҳам сандирсан, деб ўйловдим. Хавотир олма мандан, ўғлим.

Бир иложини қилиб, ҳозир ёнларига етиб боришимни айтдим. Кўнмадилар.

Эртаси шанба куни уяли телефонимга онам қўнғироқ қилиб қолдилар.

— Қаердасан, болам? — деб сўрадилар.

— Олдингизга бёряпман, йўлдаман.

Ҳовлига кириб борсам, ҳаммаёқ бесаранжом. Кир осадиган дор ҳам, сўри бағазлари ҳам сувга бўккан латта-путта, кийим-кечак билан тўла. Ҳатто кўрпачалар ҳам осиғлиқ.

Ҳайронлигимни кўриб, онам бир бошидан гапира кетдилар.

Хуллас, кеча мен билан гаплашаётган пайтларида, ёғингарчилик тинар-тинмас иккита қўшни — Холида келин билан Холида "дўхтир" дарҳол "опоқилари"дан хабар олишга чиқишган. "Дўхтир" деганлари

▼ **Маҳалла**

аслида врач эмас, балки тажрибали ҳамшира. Кечасию кундузи онамнинг аҳволларидан хабардор. Дори-дармон, муолажа масаласида баъзида "қайсарлик" қилиб, ҳеч кимга қулоқ солмайдиган онам ўз "дўхтирлари"нинг гапини ерда қолдирмайдилар. Уйимиздан хотиржам бўлгач, қадрдонларимиз кўчага йўналишган. Онам уларга раҳмат айтиб, йўлаккача кузатиб борганлар. Дарвозамиз олдида етти-саккиз киши табиатнинг ҳозиргина ҳаммани шоширib қўйган "қийиқлигини"ни муҳокама қилишаётган экан. Шу пайт ҳовлимиз томондан "этак қўшни"миз, онамнинг 35 йилги қадрдонлари, ҳар куни бир чиқмаса, кўнгли жойига тушмайдиган Зуҳри опоқи чиқиб қолибдилар. Салом-аликдан кейин:

— Ҳовлидан ўтиб келаётсам, катта ертўладан сувнинг овози келаётгандек бўлди. Қарасам...

Тўпланганлар орасидаги оқсоқоли Тўхтапўлат ака гапни охиригача ҳам эшитмай:

— Бахтиёр, юр укам, сизлар ҳам юринглар йигитлар, — деб ҳаммани ҳовлига бошлабдилар.

Бўйи ўн, эни тўрт метрга яқин пешайвоннинг таги ертўла. Уч-тўрт йил аввал уй қайта қурилганидан кейин сатҳи ўн беш квадрат метрга борадиган яна бир ертўла пайдо бўлиб, қўш ертўла бир-бирига туташ бўлиб қолган. Қўшнилар бориб қарашса, ёғиндан ҳосил бўлган сувнинг босимига бардош қилолмаган канализация панд бериб, сув ташқарига оқиш ўрнига ичкарига уриб кетибди. "Қўш ертўлани" бел бўйи сув босибди. Саросимага тушиб қолган онам дарров телефонга йўналибдилар. Шунда қўшнилар:

— Болаларингизни безовта қилманг. Биз кўпчиликмиз. Улар етиб келгунича ўзимиз тўғрилаймиз. Ташвиш қилманг, — дейишибди.

Дарҳол "сафарбарлик" эълон қилинган. "Фалончини чақир, фалончи ҳам уйида" деган гаплар. Ҳовли яқин ўн хонадондан челак кўтариб келганлар билан тўлган. Бир жуфт резина этик ҳам топила қолган. Бахтиёр, энг аввало, "хавфсизлик" масаласи билан шуғулланиб, электрни узган, дарчаларни очдирган. Ҳамма ишга киришиб кетган.

"Сафарбарлик" қош қорайгунча давом этибди.

Онам "тиқ" этса хабар олгани югуриб чиқадиган қўшниларини дуо қилишдан чарчамасдилар. Ҳайрон қолганим табаррук ёшдаги одам қўшниларнинг бола-бақрагача номини айтиб, Ҳасан, Ҳусан, Равшан, Дилшод, Шерзод... деб гапирганлари бўлди. Айниқса, Бахтиёрни кўп дуо олди.

— Барака топгур ҳар нарсага абжир, — дедилар онам. — Қўлидан келмаган иш йўқ. Электр, газ, канализация, қўйингки, ҳамма-ҳаммасини эплайди. Қўни-қўшнининг иши усиз битмайди. Раҳматли отаси ҳам миришкор одам эдилар. Онаси раҳматлининг ҳам билмаган иши йўқ эди. Бу фазилатлар Бахтиёрга ўтган. Ўзи ҳам тўрт нафар азаматни тарбиялаб, вояга етказди. Ҳаммаси ҳам юрт-элнинг хизматига отилиб чиқадиганлардан. Меҳр-оқибат отадан болага, авлоддан-авлодга ўтиб бораверади, деганларича бор экан-да.

Онам яна анча гапирдилар. Бир қарашда, бу олам саҳнида "денгиздан томчи"дек бир воқеа ҳақида эшитиб ўтирар эканман, шу томчилар тома-тома кўл бўлиши ҳақида ўйлаб кетдим. Ҳали ўқиб туширишга улгурмаган китобимдаги фикрлар хаёлимдан ўта бошлади. "...миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар..." қанчалик қудратли эканлигига, уларни бутун вужуд, онг ва шуур билан англаш, асраб-авайлаш, янада қадр топтириш тўғрисида жонкуярлик қилиш кишидан Тиёншондан ҳам юксак ўзбекона қалб, улуғ алломаларимизники каби заковат талаб этишига яна бир бор тан берасан, киши...

**Ворисхон ВОҲИДОВ,**
**журналист.**
**Тошкент шаҳри.**





NISSAN TIIDA

Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

NISSAN SHIFT_lifestyle

**СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ**
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, 295 88 77:
**цена от 31 000 $*, гарантия — 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.**
* Цены указаны с учетом таможенных платежей.


## Саёҳат завқи

***Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва ёшлардан иборат 50 нафар навоийликлар Бухоро шаҳрига бориб келдилар. Саёҳатни Навоий шаҳар татар миллий маркази ташкил этди.***

Саёҳатчилар тарихий, маданий, меъморий масканларни тавоф этиш билан бирга мустақиллик йилларида зиёратгоҳлар тубдан таъмирланиб, кўркам миллий ва замонавий қиёфа касб этганлигининг шоҳиди бўлишди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


обои ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Eclsmann
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.








ЯНГИЛИКЛАР ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

*Тошкент ва Бухородан Москва орқали қуйидаги шаҳарларга мунтазам равишда амалга оширилaдиган янги рейсларни таклиф этади:*

**АНАПА**
бир томонга 316 евро ва ундан юқори
**СОЧИ**
бир томонга 288 евро ва ундан юқори
**СИМФЕРОПОЛЬ**
бир томонга 270 евро ва ундан юқори

*Тарифлар иқтисодий-мукофотли класс учун кўрсатилган, жойлар чегараланган.*

**Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25.**
**www.transaero.ru**



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8